06, 09, 2013 0

# Ibrohim Mo’minov. Amir Temurning O’rta Osiyo tarixida tutgan o’rni va roli.

14 tashrif




*Мўминов Иброҳим Мўминович (1908.7.9, ҳоз. Шофиркон тумани Тезгузар қишлоғи — 1974.22.7, Тошкент) — файласуф олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган фан арбоби (1959), фалсафа фанлари д-ри (1950), проф. (1950). Бухоро билим юртида ўқиган (1925—27). Самарқанд Педакадемиясининг ижтимоий-иктисодий ф-тини тугатган (1931), шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлади. Педакадемия Ўзбекистон ун- тига айлантирилгач, филол., кейинчалик тарих ф-ти декани, кафедра мудири (1933—55). 1955— 56 й.ларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори. 1956 й.дан академиянинг вице- президенти. Айни вақтда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқук ин-ти директори (1958—59), Ўзбекистон «Билим» жамияти бошқаруви раиси (1958 й.дан), Ўзбек совет энциклопедиясининг биринчи бош муҳаррири (1968 й.дан).*

*Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолиятига шўролар мустабид тузуми ўз таъсирини кўрсатган бўлсада, бироқ, унинг тадқиқотлари марказида Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий қамда илмий-табиий фикрлари муаммолари турганлиги натижасида, аллома фалсафанинг ўта сиёсийлашувини, уни ҳукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундириш хуружларини четлаб ўтиш имкониятига эга бўлди. У Навоийдан тортиб, Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил килди. Айниқса, Бедил ижодини чукур ўрганиб, унинг меросини тушунишни анча енгиллаштирди. Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари (1968), умуман Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси б-н чиқиши олимнинг илмий*

*жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатининг ёрқин ифодаси бўлди. Олим Ғарб фалсафасини, рус мутафаккирлари ижодини ҳам ўрганди. Гегель диалектикасининг рационал мағзини кўрсатиб берди.*
*Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилотчиси. У, айникса, ижтимоий фанларни ривожлантиришга — янги тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йирик асарлар нашр этилди. У Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солди.Иброҳим Мўминов Беруний номидаги Узбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).*
*Тошкентдаги кўчалардан бирига, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ интига, Бухоро ва Шофиркон ш.ларидаги кўчалар, мактаблар, Шофиркон туманидаги ширкат хўжалигига Иброҳим Мўминов номи берилган. Мустақиллик йилларида «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).*

Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли рисоласи 1968 йили нашр этилади. Рисолада Темурнинг мустақил марказлашган давлат тузиш йўлидаги кураши, Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган зодагонлар — оқсуяклар каби кучлар ва бирлашишга зид ҳаракатларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши олиб борилган курашлар ҳақида фикр боради. Темурнинг ҳарбий юришлари, мамлакат осойишталиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий юксалиши ҳақидаги илмий хулосалар баён этилади. Унинг илм-фан, маънавият-маданият соҳаси вакилларига катта эътибор бергани ҳам таъкидланган. Асарда келтирилганидек, Темур Ўрта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига эътибор берди. Савдо-сотиқ, ҳунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқаларни кенгайтирди, мамлакатни бошқариш учун «Темур тузуклари»ни яратди. Армияни мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий бақувват давлат тузумини вужудга келтирди, буюк ва жасур саркарда, моҳир давлат арбоби бўлиб танилди.

Муаллиф ушбу рисолани яратишда Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳерманн Вамбери асарлари, испан элчиси Клавихонинг кундаликлари ва «Темур тузуклари» каби тарихий манбалардан фойдаланганлигини таъкидлаган. Шу ўринда айтиш керак, И. Мўминов бир кун келиб Амир Темур номи улуғ кишилар қаторидан жой олишига ишонган ва «сиз кўрасиз, шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк шахс сифатида қадрлайдилар» деб таъкидлаган. Қарангки, бугунги кунда ушбу орзулар рўёбга чиқди. Амир Темурнинг улуғвор ва буюк қадр-қиммати ўрнига қўйилди. Уни буюк шахс, ватанпарвар, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида таъриф эта бошладик, у биз орзу қилгандек, халқнинг фахр-ифтихорига айланди.

calaméo

**Ibrohim Mo’minovning risolasini Calameo dasturi yordamida mutolaa qilishingiz,printerdan chiqarishingiz,yuklab olishingiz mumkin.**

**Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли / Ibrohim Mo’minov. Amir Temurning O’rta Osiyo tarixida tutgan o’rni va roli.**

Publish at Calameo or read more publications.

## O'xshash maqolalar:

- Xurshid Davron. Amir Temur o'g'lining o'limi haqida rivoyat.
- Asqad Muxtor. Insonga qulluq qiladurmen. Qissa.
- Ozod Mo'min. Buyuk Amir Temurning yoquti.
- Xurshid Davron. Olis bolalikdan qolgan xotira.
- Ahmad A'zam. Kuni bizga qolgan bayroq.
- Ahad Hasan. Ibrohim Mo'minov saboqlari.

*Teglar:* Amir Temur, Ibrohim Mo'minov

Bahodir Yo'ldoshev: Spektakl olqish uchun qo'yilmaydi.
Ahad Hasan. Ibrohim Mo'minov saboqlari.

## Izoh qoldiring

Ism

E-mail (sir saqlanadi)

Sayt

Izoh qoldirish

- **Sayt bo'limlari**
  - Adib hayoti va ijodi
    - Adib haqida
    - Adib kitoblari
    - Hikoya, qissa, drama
    - Kundalik sahifalaridan
    - Maqola, esse, suhbat
    - She'r va doston
    - Tarjimalar
  - Audio va video
  - Davomli maktublar
  - Hikmat va rivoyat
  - Kutubxona
    - Alisher Navoiy hayoti va ijodi
    - Islom tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - Jadidlchilik tarixi va siymolari faoliyati
    - Jahon tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - O'zbek tarixi, adabiyoti va madaniyati
    - Ruscha matnlar (Тексты на русском)
    - Tarixiy hujjatlar, qo'lyozmalar
    - Tasavvuf tarixi va adabiyoti
    - Turkiy tarix, adabiyot va madaniyat
    - Yosh tarjimonga tavsiya
  - Mening avlodim

- Xotira, yodnoma
- Yangiliklar
  - Muborak kun
  - Taqdimot
  - Tarixiy sana

- **Eng so'nggi**

  - O'g'lining qotilini o'limdan qurqargan ona.
  - Псевдоцитаты Габриэля Гарсиа Маркеса .
  - Габриэль Гарсия Маркес. Жить, чтобы рассказывать о жизни.
  - Юрий Папоров. «Габриель Гарсия Маркес. Путь к славе»
  - Ф. М. Достоевский. Что такое для нас Азия? & Достоевский и Ислам.
  - Shuhrat Rizayev. Men tirikman,to olamda so'zim bor.
  - Воспоминания Саттар-хана, муфтия, казия и русского чиновника.
  - Sa'dulla Siyoev. Oltin zanglamas…
  - Abdulla Qodiriy. 20-yillar felyetonlari.
  - Umid Bekmuhammad. Xotira uyg'onsa, go'zaldir (Bahodir Sodiqov haqida xotiralar).
  - Gabriyel Garsia Markes. Unutilmas kun.
  - Gabriyel Garsia Markes haqida maqola va hikoyasi.
  - Xurshid Davron. Bu minorlar — bizning qaddimiz. She'rlar.
  - Shoh Ismoil Xatoiy. G'azallar.
  - Bahodir Sodiqov. Hayratning ikkinchi umri.
  - Sirojiddin Ibrohim. Yurt ori.

- **Bizni kuzatib boring**

**Yangiliklarimizga yoziling**

E-mail: Yozilish

+ Добавить на Яндекс

**Do'stlarimiz**



- **Eng ko'p o'qilgan**

  Lolaqizg'aldoq. Shavkat Rahmon xotirasiga. Muhammad Yusuf she'ri. : Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Лолақизғ...
  Muhammad Yusuf. Shoir hayoti va ijodiga bag'ishlangan hujjatli film : "Муҳаммад Юсуф". Ҳужжатли фильм Сценарий муаллифи: ...
  П. Алексеенков. Кокандская автономия. : П. Алексеенков. Кокандская автономия. Ташкент.,Узгиз....
  Taniqli adib Zohir A'lam vafot etdi. : Бугун таниқли ёзувчи Зоҳир Аълам 71 ёшида вафот этди...
  Обладателем Гран-при II Международного конкурса вокалистов имени Магомаева стал бас-баритон Женисбек Пиязов из Узбекистана. : Ўзбекистонлик қорақалпоқ йигити Женисбек Пиязов — гра...
  Malika Egamberdiyeva "Yoshlar" telekanalining "Oltin mikrofon" loyihasida. : "Ёшлар" телеканали орқали эфирга узатилаётган "Олтин ...
  Sulaymon Rahmon. Tinch oqar daryo. Esse. Ikkinchi qism. : Асқад Мухторнинг сўзи ўткир, залварли, фикри теран, с...
  «Qodiriy bog'i» (videofilm) : Фильм ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий яшаб ижод қилган...
  O'tkir Hoshimov. "Yarim asr daftari" kitobidan. : "Мовароуннаҳр" нашриёти халқимизнинг севимли адиби, ...

- **Teglar**

  Abdulhamid Cho'lpon Abdulla Oripov Abdulla Qodiriy Abdurauf Fitrat Ahmad A'zam Alisher Navoiy Amir Temur Asqad Muxtor Asqar Mahkam BBC Buxoro Chingiz Aytmatov Erkin A'zam Erkin Vohidov Eshqobil Shukur Faxriyor hikmatlar Ibrohim Haqqul islom Mahmudxoja Behbudiy Mavlono Jaloliddin Rumiy Mirzo Bobur Mirzo Ulug'bek Murod Muhammad Do'st musiqa Nabijon Boqiy Naim Karimov Nazar Eshonqul o'zbek mumtoz she'riyati Odil Ikrom Odil Yoqubov Oybek Rauf Parfi rus bosqini Samarqand Shavkat Rahmon Shukur Xolmirzayev tasavvuf Ulug'bek Hamdam Umid Bekmuhammad Usmon Azim xotira Xurshid Davron Xurshid Do'stmuhammad XX asr o'zbek she'riyati

- **Saytimiz arxivi**

  - 2014
  - 2013
  - 2012
  - 2011
  - 2010

Tepaga RSS Bosh sahifa

Xurshid Davron (Khurshid Davron) kutubxonasi (c) 2007 - 2014
252603
771
+64